
Ободонлаштириш ойлиги қизғин давом этмоқда

Бағдод туманининг барча маҳалла ва қишлоқларида, кўп қаватли турар-жойлар атрофларида, зиёратгоҳлар ва қабристонларда ободонлаштириш ойлиги қизғин давом этмоқда. Натижада, манзиллар обод, саранжом-саришталикдан эса кўнгиллар шод бўлаётир.

Ободонлаштириш ойлиги эълон қилинган кундан буён туман йўлсозлари томонидан амалга оширилган ишлар ҳам анчайин салмоқли. Чунончи, йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ишчи-ходимлари шу кунга қадар 22 км. узунликдаги йўлларда оқлаш-бўяш, 80 км. узунликдаги йўлларда эса бегона ўтлардан тозалаш ишлари бажарилди. Жорий ва мукамал таъмирлаш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Шунингдек, автомобиль қатнов йўлларида Тозалов ишларида корхона тасарруфидаги техник воситалардан самарали фойдаланилмоқда.

Раҳбар Умиджон Йигиталиев, ободонлаштириш ойлигида фаол иштирок этаётган корхона ишчи-ходимларига миннатдорлик билдирди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-08-11 16:43:37